

???

«Ishonch»

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига!

МАҚСАД – КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚАРИШМИ ЁКИ ЯНАДА ҚАШШОҚЛАШТИРИШ?

Бир неча кундирки, Анди-
жон вилоятида парран-
дачилик учун имтиёзли
кредитлар ажратилиб,
ягона таъминотчи
фирма – «Пахта-
обод парранда»
масъулияти
чекланган жами-
ятига йўналтири-
лаётгани-ю, мазкур
МЧЖнинг товуқлари
бозордагидан анчайин
қиммат нархда, яъни 90-
100 минг атрофида аҳолига
мажбуран тақсимланаёт-
гани ижтимоий тар-
моқларда муҳокама
этиляпти.

Жамият манфаатларига дахлдор бўл-
маган, маиший мавзудаги мурожаат
ва танқидий чиқишларга «Ҳолат ўр-
ганиляпти, натижаси маълум қилинади», де-
ган икки энлик қо-
билдиришнинг ҳа-
қоқимлик мат-
бу мавзуга



дисини олган
буот хизмати
келганда оғ-
зига талқон
солиб ту-
рибди.

Маълум бўлишича, Андижон вилояти ҳоки-
мининг 2021 йил 7 декабр-
даги фармойиши билан вилоят ҳоқимлиги ҳузуридаги Озиқ-овқат жамғарма-
сига ажра-

тилган 10 миллиард сўм миқдоридagi маблағ бир муддат ўтиб, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бюджетдан ташқари мах-
сус ҳисобрақамига йўналтирилган. Ўз навба-
тида, мазкур маблағ уч ой муддатда қайтариш шарти билан парранда етказиб берувчи тад-
биркорлар ҳисобига (вақтинча ишлатиб ту-
риш учун) ўтказиб берилиши керак бўлган. Ушбу имкониятдан қайси тадбиркорлар фой-
далангани очиқ-равшан эмаслиги, боз устига, фақатгина юқорида қайд этилган МЧЖнинг номи тилга олинаётгани сабаб жамоатчи-
ликда шубҳа уйғонмоқда.

Энг қизиғи, «Андижонча тажриба» мам-
лакат бўйлаб қанот қоқиб, Фарғона-ю Бухоро томонларда ҳам қиммат нархдаги товуқлар маҳаллаларга мажбуран тарқатилаётгани, бу ишга бош қилиб қўйилган ҳоқим ёрдамчиларининг эса бундан «рози» эмаслиги ҳақида бонг уриляпти.

Камбағалликни қисқартириш – бугунги куннинг бош масаласи, бунга эътироз йўқ. Аммо ушбу жараённинг кампаниябозликка

айланиб кетгани, айрим тадбиркорлик субъ-
ектларининг эзгу ҳаракатни ниқоб қилиб, ҳи-
собини шишириб ётганини қандай тушуниш мумкин? Умуман, маҳаллий бюджетдан кат-
та-катта маблағларни Озиқ-овқат жамғар-
малари орқали санокли фирмаларга йўнал-
тиришда қайси мезонларга таяниляпти? Таъ-
минотчини саралаш жараёнида энг аввал аҳолининг кенг қатлами, яъни парранда харид қилувчиларнинг манфаатлари ҳисобга олиниши керак эмасми?

Модомики бош мақсад аҳолини даро-
мадли қилиш экан, ижтимоий тармоқ фой-
даланувчилари қайд этмоқчи, ажратилаёт-
ган маблағ аллақандай фирмаларга эмас, соддалаштирилган тартиб билан камбағал-
ларнинг ўзига берилса бўлмайдими? Ахир шу юмуш билан шуғулланишни мақсад қил-
ган оила парранда ёки чорванинг сифатли-
сини қаердан арзон нархда харид қилишни яхши билади-ку!

Нурилло НЎЪМОНОВ,
«ISHONCH»



ЖАВОБИНИ КУТАЁТГАН САВОЛЛАР

» 3-саҳифада ўқинг



Кун нафаси

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш орқали бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ҳамда бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча шароитлар яратишга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Бишкек шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазирини Садрид Умурзоқовнинг Қирғиз Республикаси Президентини Садир Жапаров билан учрашуви бўлиб ўтди.

Бишкек шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати делегациясининг Қирғиз Республикасига ташрифи доирасида Ўзбек-қирғиз тараққиёт жамғармасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Нодиржон Жонузоқович Холбўтаев Президент маслаҳатчисининг ўринбосари лавозимига тайинланди.

Ўзбекистонда теннисни ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Халқаро теннис федерацияси президенти Дэвид Хаггерт мамлакатимизга ташриф буюрди.

Қорақалпоғистон Республикаси Кегайли тумани «Ақтуба» овул фуқаролар йиғини «Янги Ўзбекистон» массивининг тамал тоши қўйилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Мамлакатимизда маданият ва санъат ходимлари кунини кенг нишонланди.

Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти Ҳиндистон билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди. Институт ректори Акмал Сиддиқов раҳбарлигидаги делегация илмий ташриф билан Ҳиндистонда бўлиб қайтди.

Жорий йилнинг 18-23 апрель кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида «Китобсевар миллат» шиори остида II Республика «Китобхонлик ҳафталиги» ташкил этилади.

Жамоа шартномаси – амалда

Муҳокамалар давом этмоқда

Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтида 76 нафар ходим иштирокида умумий йиғилиш бўлиб ўтди.



Тадбир аввалида маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасида ижтимоий-иқтисодий муҳофаза бўйича белгиланган вазифалар ва уларнинг 2021 йилда бажарилиши ҳақида сўз юритилди. Сўнгра Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент шаҳри қўмитаси раиси Г.Тошпўлатованинг шу давр мобайнида амалга оширилган ишлар ҳамда касаба уюшмасининг молиявий фаолияти бўйича тафтиш комиссияси-

нинг ҳисоботи тингланди. Иштирокчилар касаба уюшма қўмитаси фаолиятини ижобий баҳолашди. Шунингдек, келгусида институтда ташкиллаштириладиган тадбирлар ва уларнинг 2021 йилда бажарилиши ҳақида сўз юритилди. Сўнгра Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент шаҳри қўмитаси раиси Г.Тошпўлатованинг шу давр мобайнида амалга оширилган ишлар ҳамда касаба уюшмасининг молиявий фаолияти бўйича тафтиш комиссияси-

Раъно МАҲҚАМОВА,
«ISHONCH»



Ноқонуний ушланма тўлаб берилди

Ходимнинг иш ҳақи муайян қисмини ноқонуний равишда ушлаб қолиш мумкинми?

Шаҳрисабз шаҳар халқ таълими бўлими ходимлари Анвар Қодиров, Собир Гадоев, Зўҳроб Омонов айнан шу масалага оид муаммага дуч келишди.

– Иш ҳақимиздан розилигимизсиз ушлаб қолинганини билиб, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрисабз шаҳар кенгашига мурожаат қилдик, – деди Анвар Қодиров. – Тармоқ касаба уюшмаси шаҳар кенгаши раиси Умиджон Ортиқов мурожаатимизни ўрганиб, иш ҳақимиздан ҳақиқатан меҳнат қонунчилигига зид равишда ушлаб қолинаётганини аниқлади ва иш берувчи номига тақдимнома киритди. Шундан сўнг 2021 йил ноябрь ойидан бошлаб 2022 йил февраль ойларини учун ушлаб қолинган 1460356 сўм пул маблағи март ойидаги иш ҳақимга қўшиб тўлаб берилди. Синовли кунлар ҳамманинг ҳам

бошида бор. Шаҳрисабз шаҳридаги 17-умумий ўрта таълим мактаби фарроши Шарофат Турсунова оилавий шароити оғирлиги, беморлиги ва даволаниши кераклигини билдириб, касаба уюшмасидан ёрдам сўради. 18-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси Азизахон Тоштемирова кекса онаси билан яшаши, олий ўқув юртида шартнома асосида сирдан таҳсил олиши ва иқтисодий жиҳатдан қийналаётганини билдирди. Шаҳрисабз шаҳридаги 2-умумий ўрта таълим мактаби кадрлар менежери Муниса Ортиқова эса соғлиги ёмонлашгани, узлуксиз равишда шифокорлар кўригидан ўтиб, даволанаётгани сабаб, бошланғич касаба уюшма ташкилотига мурожаат қилди.

Мазкур аризалар Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрисабз шаҳар кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, ходимларга моддий ёрдамлар ажратилди.

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Тошкент шаҳри

Мусобақа

Қизгин кечди

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши Бутунжаҳон саломатлик кунини муносабати билан «Спорт – саломатлик гарови» шиори остида спорт байрами ўтказди.



Тадбирни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Сайфулла Аҳмедов очиб, спортнинг инсон ҳаётидаги муҳим ўрни, саломатлик учун нечоғли аҳамиятга молик экани ҳақида алоҳида тўхталди.

Ёшлар ишлари агентлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳамда Ёшлар иттифоқининг Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ташкил қилинган мусобақа қатнашчилари дартс, стол тенниси, бадминтон ва пиёда юриш турлари бўйича беллашдилар.

Қизгин ўтган баҳсларда дартс бўйича Фотима Холиқулова, Шухрат Абдухалилов ғолиблик шох-супасига кўтарилдилар.

Стол теннисидида эса Нозима Гиёзова ва Илҳом Нуров зафар қучдилар.

Бадминтон спорт тури бўйича хотин-қизлардан Мунира Рўзиева, эркеклардан Шаҳриёр Ҳикматовлар биринчилардан бўлишди.

Ғолиблар қимматбаҳо совға ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА,
«ISHONCH»


Келгуси сонларда ўқинг...



ШАМОЛГА СОВУРИЛАЁТГАН... ШАМОЛ



«КАМАЛАК»НИНГ РАНГСИЗ ЖИЛОСИ



МАКТАБ ҚУРИШГА ЖОЙ ЙУҚИМЕР? Ёхуд бўлиши мумкин эмас, дэйишга шошилманг



Тошкент шаҳри

Меҳнат муҳофазаси

Давра суҳбати

Қадриятларга ҳурмат руҳида

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари Тошкент шаҳар бирлашган касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан «Рамазон ойи меҳр-оқибат, саховат ва шукроналик ойи» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Улуғбек Муҳаммедов, Ўзбекистон Муслмонлар идораси фатво маркази ходими Ерқинжон Жумабоев ҳамда тармоқ касаба уюшмаси тасарруфидоғи бошланғич ташкилотлар раислари ва фаоллари иштирок этдилар.

— Рамазони шариф халқимиз ардоқлаган саховат, меҳр-мурувват каби асрлар оша амал қилиб келинаётган қадриятларимизга алоҳида эътибор қаратилиши билан ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир, — дейди Тадбир-

корлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент шаҳар кенгаши раиси Дилфуза Исмоилова. — Давра суҳбатида ушбу қадриятларнинг аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилди.

Давра суҳбати иштирокчилари соҳа йўналишидан келиб чиқиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Шаҳло АБДУРАҲМОНОВА,
«ISHONCH»



Маданиятни биргаликда шакллантирамыз

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика ва Ўзбекистон жаҳон тиллари университетида «Меҳнат муҳофазасининг ижобий маданиятини биргаликда шакллантирамыз» шиори остида семинар-тренинг ташкил этди.

Анжуманда ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ишчи-ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, касб касалликларининг олдини олиш, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида уюштирилган тадбирда соҳада юз бераётган ўзгаришлар, ўсиб келаётган

ёш авлодда муносиб ва хавфсиз меҳнатни ташкил этиш кўникмаларини шакллантириш ва бу борада олиб борилаётган тарғибот ишлари ҳақида сўз юритилди.

Ҳилола ЖАББОРОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси



Ўқув-семинар

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгашида «Корхона, ташкилот ва муассасаларда бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларини тузиш ва ходимларни касаба уюшмалари аъзолигига қабул қилиш» мавзусида ўқув-семинар уюштирилди.

Сафимиз янада кенгайсин

Унда тармоқ касаба уюшмалари вилоят кенгашларининг масъул ташкилотчилари, бирлашган кўмиталар, шаҳар ва туман кенгашлари, йирик бошланғич ташкилотлар раислари ва бухгалтерлари ҳамда вилоят кенгаши аппарати масъул ходимлари қатнашди.

Ўқувда касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқлари, касаба уюшмалари ва уларнинг кенгашлари, бўлимлари ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилотларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш тартиби, иш берувчининг касаба уюшмалари фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратишга доир мажбуриятлари юзасидан тушунчалар берилди. Шунингдек, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари тузиш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш тартибларига эътибор қаратилди.

Тармоқ келишувлари талаблари асосида бошланғич ташкилотларнинг тузилиши, жамоа шартномаларининг ишлаб чиқиши, қонунчиликка асосан касаба уюшмалари бадалларининг тўланиши, иш берувчи билан ҳамкорлиги каби муҳим йўналишларда фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир доирасида касаба уюшма аъзолигига қабул қилинган корхона ва ташкилотлар масъулларига аъзолик сертификатлари топширилди.

Мунаввар ЖўРАЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши ташкилий ишлар бўлими етакчи мутахассиси



Фарғона вилояти

Анжуман

Асосий вазифалар нималардан иборат?

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат инспекцияси Фарғона вилояти кенгашида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги касаба уюшма ходимлари учун «Меҳнат инспекцияси фаолиятининг асосий йўналишлари» мавзусида минтақавий семинар-тренинг ташкил этди.

Видеоконференцалоқа тарзида бўлиб ўтган мулоқотда касаба уюшмалари фаолиятида кейинги йилларда амалга оширилган ишлар, хусусан, ходимларнинг бузилган меҳнат ҳуқуқларини тиклаш, ҳимоя қилиш, «Аёллар дафтари»га киритил-



ган оилалар билан ишлаш ва бу борада Фарғона тажрибаси ҳақида сўз борди.

Мулоқот давомида касаба уюшмалари инспекцияси Низоми, «Касаба уюшмаларининг инспекциялари, инспекторлар учун фаолиятни тўғри ва самарали ташкил этиш бўйича қўлланма» мазмун-моҳияти, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби, соғлиқни сақлаш ва тиббиёт тизимида меҳнат инспекцияси фаолиятини йўлга қўйиш бўйича тавсиялар берилди.

Семинар-тренинг қатнашчилари вилоятдаги йирик саноат корхонаси — «Фарғона-азот» АЖда бўлиб, ишчи-ҳодимлар учун яратилган шароитлар, меҳнатни муҳофаза қилиш борасида олиб борилган ишлар билан танишдилар.

Мансуржон ҲОТАМОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори



Сирдарё вилояти

Касаба уюшмаси аралашгач...

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Сирдарё вилояти кенгашига вилоят дерматовенерология ва косметология диспансерининг навбатчи ҳамширалари Гулинара Аджихалилова, Мастура Мамадалиева ҳамда навбатчи фарроши София Исроилова ўзлари билан тузилган меҳнат шартномаси уларнинг пенсия ёшига тўлгани муносабати билан бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантириш хати берилгани, бу вазиятда қандай йўл тутиш лозимлиги юзасидан кўмак сўраб мурожаат қилишди.

Масала кенгашнинг вилоят бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан ўрганиб чиқилиб, диспансер бош шифо-корни номига кўрсатма хати киритилди.

Мазкур кўрсатмада Президентнинг «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 1-бандида бир қанча кафолатлар билан бир қаторда 2019 йил 1 майдан аёлларнинг пенсия ёшига тўлгани ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келгани сабабли улар билан тузилган номуайян муддатли меҳнат шарт-

ОГОҲЛАНТИРИШ ХАТИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

номасини 60 ёшга тўлгунга қадар ёки муддатли меҳнат шартномасининг муддати тугагунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тақиқланиши белгилангани, мурожаатчилар ҳозирги кунда 60 ёшга тўлмагани боис, улар билан тузилган меҳнат шартномаси пенсия ёшига етгани сабабидан бекор қилиниши мумкин эмаслиги

билдирилди.

Вилоят дерматовенерология ва косметология диспансери тез фурсатда огоҳлантириш хатлари бекор қилинганини билдирди.

Абдурахим АЛБЕКОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори



Навоий вилояти

Дил сўзи

Мендан бахтиёр одам йўқ!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг имтиёзли стипендиясига сазовор бўлдим



учун жорий қилинган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси стипендиясини олиш бахтига муяссар бўлганимдир. Бундан жуда хурсандман. Энг муҳими, ютуқларимдан илҳомланиб курсдошларим ҳам илм йўлида ҳаракатга тушиб қолишди.

Ўқиш ва ижодий изланиш билан боғлиқ ютуқларимни юқори баҳолагани учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда унинг Навоий вилояти кенгаши масъулларига ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман.

Бундан кейин ҳам тинимсиз ўқиб-ўрганиб, янада юксак марраларни қўлга киритишга, она Ватанимизга муносиб фарзанд бўлишга ҳаракат қиламан.

Нилуфар НАМОЗОВА,
Навоий давлат педагогика институти 2-босқич талабаси

Қахрамон МАШАРИПОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудир



Ташкент
вилояти

СУСАМНИНГ ЙЎЛЛАРИ ҚАЧОН СОНГА КИРАДИ?

Оҳангарон тумани, «Сусам» ҚФЙ, «Илғор» МФЙ Бешовул кўчаси ҳудудидан ўтувчи Олмалиқ-Ангрен йўналишидаги асфальт йўлнинг каттагина қисми таъмирталаб бўлиб қолган.



Хукумат дастурига кўра, 2021 йилда йўллариимиз асфальт қопламаси билан таъмирланиши лозим эди. 2021 йилнинг октябрь ойида асфальт қопламаси қоплаш учун махсус техникалар келди ва йўлнинг 4-5 км. қисми кесиб олиниб, тупроқ аралаш балласт қопламаси тўқилиб, текисланди.

Ўтган йилнинг 10 октябрида асфальт қоплаётган махсус техникаларнинг иш жараёни йўл қурувчилар томонидан видеога олиниб, интернетга ҳам жойлаштирилди.

Бироқ бунга қадар юқорида қайд этилган 4-5 километрлик йўл ҳануз асфальтланганича йўқ. Йўлнинг қолган 10 километрдан зиёд таъмирталаб қисми ҳам таъмирланмапти. Бу эса аҳолисига ноқулайликлар туғдирмоқда.

Йўл қурилишига масъул мутасадди ташкилотлар раҳбарлари «Сусам» ҚФЙ, «Илғор» МФЙ йўлларини ўтган йилнинг ўзидаёқ таъмирлашлари кераклигини унутиб қўймадимикан?

Тўлғаной ШОДИЕВА



Жиззах
вилояти

Мактабгача таълим вазирлигига!

Бизнинг
хушудда ҳам
боғча
қуриладими?

Ғаллаорол туманидаги «Узунбўлоқ», «Авлиёота», «Чувуллоқ» маҳаллалари ҳудудида 10 минг 500 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шундан, 1 минг 800 дан зиёда 7 ёшгача бўлган сонига тўғри келади. 3-6 ёшгача болалар сони эса қарийб мингдан зиёд.



Аммо ҳудудимизда на давлат ва на хусусий мактабгача таълим муассасаси йўқ. Номига очилган бир неча уй боғчалари ҳам талабга жавоб бермайди. Боз устига уларга болаларни олиб боришнинг ўзи бир азоб – қатнов деярли йўқ.

Бу ҳақда бир неча маротаба туман, вилоятдаги мутасаддиларга мурожаат қилдик. Улар келиб, «ўрганишимиз» деган жавобдан нарига ўтмайди. Вилоят бўйича мактабгача таълимга қамров даражаси 71,6 фоизни ташкил этаётган бир пайтда қишлоғимиздаги кўрсаткич 10-12 фоиздан ошмайди.

Шу адолатданми? Давлат боғчалари фақат вилоят, туман марказларида қуриладими? Бизнинг ҳудудга «ўғай» кўз билан қараш қачонгача давом этади?

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»



Хоразмда нега санъат техникуми йўқ?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 февралдаги «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларга миллий мусиқа чолғуларидан камида биттасида куй ижро этиш кўникмаларини ўргатиш, мусиқа фани ўқитувчилари камида учта миллий чолғу асбобида куй ижро этиш маҳоратига эга бўлиши белгилаб қўйилган.

Ушбу талабларнинг амалга оширилиши халқимизнинг мусиқий дид ва маданиятини юксалтиришга, миллий мусиқамизнинг умрбоқийлигини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бироқ, шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: ўқувчиларга куй чалишни ўргатувчи, тўғрак машғулоти олиб боровчи мутахассислар етарлими? Айтайлик, Хоразм вилоятида?

Ушбу саволни ўртага ташлашимизга сабаб, санъатининг довуғи дунёга дoston Хоразм воҳасида мутахассис хонанда ва соҳандалар тайёрловчи билим даргоҳининг ўзи йўқ. Урганч давлат университетидида мусиқий йўналишда умумий мутахассислар тайёрланади, чолғу асбоблари бўйича ихтисослик берилмайди. Бунинг учун консерваторияда тахсил олиш зарур.

1962-2004 йилларда Хоразм вилоятида Матюсуф Ҳарратов номидаги мусиқа билим юрти фаолият кўрсатган. Ушбу дар-

гоҳда юзлаб машҳур хонанда ва соҳандалар етишиб чиққан. Хусусан, Ўзбекистон халқ артистлари Олмахон Ҳайитова, Ортиқ Отажонов, Оғабек Собировлар ҳам шу билим маскани битирувчиларидир.

Билим юрти 2004 йилда санъат ва маданият коллежига, 2017 йилда эса ихтисослаштирилган санъат мактабига айлантирилди. Оқибатда кейинги йилларда санъат ва маданият соҳасида ўрта махсус маълумотли мутахассислар етиштиришда бўшлиқ юзага келмоқда.

Ушбу муаммонинг ечими сифатида мусиқа ва санъат техникуми ёки коллеж ташкил қилиш ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар етиштиришни қайта йўлга қўйиш зарурати юзага келмадимикан?

Ҳамдам РАҲИМОВ,
Урганч ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқитувчиси



Самарқанд
вилояти

Транспорт вазирлигига!

Йўналишсиз таксиларни ким тартибга олади?

Бoшқа ҳудудлардан кунда минглаб йўналишсиз таксилар Самарқанд шаҳрига келишади. Улар шаҳардаги уч-тўрт нуқта-ларни ўзларининг норасмий бош бекатларига айлантириб олишган. Масалан, Иштихон, Пайариқ, Оқдарё, Қўшрабoт ва шаҳар атрофида йўловчи ташитётган таксилар манзили Даҳбед кўчаси чорраҳаси. Бу ердан йўлни пиеда кесиб ўтиш азoб, транспортда юриш ундан-да катта муаммо. Худди шундай гавжум бир йўналиш Ҳазора бекати атрофида. Шодёна савдо мажмуаси ён-атрофида ҳам машиналар тирбанд. Ваҳоланки, шаҳарда расмий фаолият юритаётган авто сақлаш жойлари ҳузуллаб ётибди.

Ҳўш, туманлараро қатновчи хусусий таксиларни нега ҳеч ким тартибга солмайди? Вазият қа-



чон ўнғланади? Қoлаверса, автомашиналар расмий тураргоҳларга жойлаштирилса, бюджетга қўшимча даромад бўлади-ку?!

Қувондик СУЛАЙМОНОВ
Самарқанд шаҳри

ЖАВОБНИНГ КУТАЁТГАН САВОЛЛАР



Давлат автомобиль назорати идорасига

Алифбода йўқ ҳарфлар авторақамларда акс этиши тўғрими?

Эрталаб ишга келаётиб, бир енгил автомобилга ўтирдим. Йўл-йўлакай суҳбатимиздан маълум бўлишича, машина эгаси республика Давлат автомобиль назорати идорасида ишларкан.

Светофорнинг қизил чироғида тўхтарканмиз, анчадан буён ўзимни қийнаб келаётган масалага ойдинлик киритиш учун ҳайдовчини саволга тутдим.

– Уэр, ака, – дедим ҳамроҳимга мурожаат қилиб, – сиз ДАН тизимида ишлар экансиз, айтинг-чи, биздаги автома-

шиналарнинг давлат рақами ёнидаги ҳарфлар лотинчадан ташқари, инглизча алифбода ҳам ёзиладими?


– Йўқ, фақат лотин ҳарфида бўлиши керак, – деди ҳамроҳим.

– Унақа десак, лотин ёзувида асосланган алифбомизда «С» ва «W» ҳарфлари йўқ-ку...

Суҳбатдошим бу эътирозимни эшитган, бир зум ўйга толди. Сўнгра «Синглим, мен кичкина одамман. Шунинг учун бу хусусда аниқ фикр айтолмайман», дея гапни қисқа қилиб қўя қолди.

Хўш, машиналар давлат рақамларига бизга «бегона» бўлган, алифбомизда ишлатилмайдиган «С» ва «W» каби ҳарфлар нима асосда қўйилган? Бунда қандайдир маъно борми ёки бу соҳа мутасаддиларининг саводига бориб тақалладиган масалами? Йўл ҳаракати қондаларига ўзгартириш киритаётган мутасаддиларнинг ушбу масала хусусидаги фикри қандай?

Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА,
«ISHONCH»



Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига!

Бердақ эсдалиги қошида нега суратга тушиш мумкин эмас?

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси биноси олдида қорақалпоқ шоири Бердақнинг ҳайкали бор.

Ушбу эсдалиқ қошида фуқароларга суратга тушиш тақиқланган. Нукусдаги энг диққатга сазовор жойлардан бири саналиш масканга кириш ҳам мумкин эмас. Рухсат олиш учун эса Жўқорғи Кенгес мутасаддиларига мурожаат қилиш керак.

Одамлар севимли шоири ҳайкали фонидида суратга туша олмаса, бу тақиқни қандай тушуниш мумкин?

Расул ҚАРЛИБОЕВ
Нукус шаҳри



Қашқадарё
вилояти

Қашқадарё вилояти ҳокимлигига!

Қурилиш соҳаси мутахассиси комиссия таркибига кирадими?

Маълумки, қуриб битказилган бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш учун ҳокимият томонидан тасдиқланган давлат комиссияси иш олиб боради. Аммо мазкур комиссия таркибига Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабаси уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгаши вакили йўқ.

Холбуки, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши ва Қурилиш вазирлиги ўртасидаги келишувга биноан ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш белгиланган.

«Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонунга кўра, касаба уюшмалари нафақат давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан, балки иш берувчилар ва уларнинг бирлашмалари фаолияти устидан ҳам жамоатчилик назоратини олиб бориш ҳуқуқига эга.

Шунга кўра, тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши вилоят ҳокимлигига

хат билан мурожаат этиб, мазкур комиссия таркибига Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабаси уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгаши раисини овоз бериш ҳуқуқи билан киритиш сўралган эди. Аммо бу масала ҳанузгача пайсалга солинмоқда.

Яна бир масала. Нодавлат сектор корхоналарида ходимлар ва уларнинг оила аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги тадбирларини сифатли амалга ошириш учун уларда касаба уюшма ташкилотини тузиш талаб этилади. Аммо вилоятда фаолият кўрсатиб келаётган «ЯБХ инжиниринг компанияси», «Вилоят қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «Шаҳарқури-



лишинвест» ИК МЧЖ ташкилотлари ва тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгаши билан ўрнатилган тартибда ҳамкорликни йўлга қўйишда вилоят ҳокимининг кўрсатмаси зарур экан. Вилоят ҳокимлиги бу масалага нима дейди?

Боймурод МЕЙЛИЕВ,
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабаси уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгаши раиси

Спартакиада

Аҳолини спортга жалб қилиш, бу орқали жамиятда соғлом муҳитни шакллантиришга бугун ҳар қачонгидан-да катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда олиб борилаётган ислохотлар самараси ўлароқ кунда-кунора турли тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бир қанча вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган спартакиада замирида ҳам ходимларнинг саломатлигини асрашдек эзгу мақсад мужжасам.



СПОРТ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

– Бу каби спартакиадаларни ўтказиш касаба уюшмаларида аллақачон анъанага айланиб улгурди, – дейди тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Шухрат Деҳқонов. – Бундан кўзланган асосий мақсад – ходимлар саломатлигини таъминлаш. Зотан, соғлом танда соғ ақл, дея бежиз айтишмайди. Қолаверса, бундай тадбирлар жамоадаги муҳитни янада яхшилайдди. Ходимларнинг бир-бирига бўлган ҳурмат ва эҳтиромини юксалтиради.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимларни турли касб касалликларидан спорт, соғлом турмуш тарзи асослари орқали муҳофаза қилиш, меҳнаткашларнинг жисмоний тарбия ҳамда спортнинг оммавий турларига қизиқишларини кучайтиришни мақсад қилган ушбу тадбирда соҳа ходимларидан 21 минг 359 нафар киши иштирок этди.

МуСОБАҚАЛАРнинг биринчи босқичи барча ҳудудларда, иккинчи босқич вилоятлараро 5 та ҳудудга бўлиниб ташкил этилди. Финалда вилоятлардан саралаб олинган ҳудудий жамоалар куч си-нашди.

«Спорт – саломатлик гарови» шиори доирасида ташкил этилган спартакиаданинг республика босқичи мусобақалари Чирчиқ шаҳридаги «Бўстон» сиаҳатгоҳи ҳамда ва жисмоний тарбия ва спорт университетиди ўтказилди.

«Спорт – саломатлик гарови» шиори доирасида ташкил этилган спартакиаданинг республика босқичи мусобақалари Чирчиқ шаҳридаги «Бўстон» сиаҳатгоҳи ҳамда ва жисмоний тарбия ва спорт университетиди ўтказилди.

Қизгин ва мурасасиз кечган беллашувларда иштирокчилар пухта ҳозирлик кўрганликларини тасдиқлади. Ғолиблик волейболда (аёллар ўртасида) Наманган, минифутболда Бухоро, шахмат, шашкада Самарқанд, стол тенниси бўйича эса Наманган вилоятлари вакилларига насиб этди. Со-риндорларга тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг диплом ва қимматбаҳо совғалари тақ-

дим этилди, қолган ишти-рокчиларга ҳам эсда-лик совғалари топ-ширилди.

– Аввало, бундай мусо-бақада ишти-рок этиш-нинг ўзи қ у в о н ч -ли, аммо унда ғо-либ бўлиш – спортда юксак мар-раларга эри-шиш демек-дир, – дейди Рес-публика кенгаши-нинг На-манган вило-яти бўйича масъул ташкилотчиси Икромжон Солиев. – Мунтазам спорт билан шуғуллан-ганимиз ўз мевасини берди. Волейбол бўй-ича бизга биронта рақиб тенг кела олмади.

Спартакиадада, шунингдек, иштирок-чилар «Энг ёши улуг иштирокчи», «Ға-лабага бўлган интилиши учун», «Энг ёш иштирокчи», «Энг маҳоратли хаваскор спортчи» номинация-лари бўйича ҳам тақдирланди-лар.

Яқунда Маданият, спорт ва ту-ризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ва Ўзбекис-тон спорт фахрийлари уюш-маси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Ғулумжон МИРАҲМЕДОВ,
«ISHONCH»



Ривоят

Оққуш ноласи

Балки шу яқин йиллар ичидами, балки узоқ йиллар илгарими, илиқ баҳор кунларида бир йигит ов илинжида тоғу-тошларни кезар экан, арғимчоқ ҳосил қилганча, тизилишиб учаётган оққушларга кўзи тушади.

Оққушлар ҳавза бўйларига яқин-лашгач, бирин-кетин пастлай бош-лайди. Ҳаяжонланган йигит уларни мўлжалга олади. Жониворлар чўчиб яна юқорига кўтарилишади, лекин уларнинг бири қирғоққа қулаб тушади. Унга йи-гит отган ўқ теккан эди. Буни кўрган тўда-даги қушларнинг бири чамаси йигирма метрлар баландга кўтарилиб, ўзини жуфти ёнига ташлайди ва жон беради.

Оққушлар галаси эса ҳамон тепада ай-ланганча нола чекиб, ғагиллашни бас қил-масди.

Овчи йигит қўлида ўқланган милтиғини ушлагани кўйи қотиб қолади. У жон тас-лим қилган жониворнинг жонфидолиги-дан ҳайратда эди.

Йигит овни чала қолдириб, ортага қай-тишга қарор қилади. Тоғу тошлар оша йўлда кетар экан, ҳамон унинг кўз ўнгидан бир жуфт оққуш кетмайди.

Айтишларича, овчи йигит шу-шу дарё ва ҳавза бўйларига бошқа йўламайдиган бўлган экан.

Абдулла САИДОВ

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ШАКЛИДАГИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

«TOSHKENT VILOYATI DORI-DARMON» АЖнинг 12.04.2022 йил-даги №93/01-сонли буюртмано-масига асосан қуйидаги объектлар очик аукцион савдосига қўйил-моқда:

– Тошкент вилояти, Чиноз ту-мани, Чиноз шаҳри, Самарқанд кўчаси, 50-уйда жойлашган, умум-ий ер майдони 941,0 кв.м., уму-мий қурилиш ости майдони 568,99 кв.м. бўлган «13-сонли Дорихона бино ва иншоотлари». Бошланғич баҳоси – 3 000 000 000 сўм;

– Тошкент вилояти, Бўка шаҳри, Магистрал кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 3351,74 кв.м., жами қурилиш ости майдони 975,19 кв.м. бўлган «28-сонли Дорихона бино ва иншоотлари». Бошланғич баҳоси – 3 500 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2022 йил 16 май куни соат 11:00да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 1-А уйда бўлиб ўтади.

Мазкур объектлар шу куни со-тилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар чоршанба кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истagini билдирган шахслар «Закалат пули тўғрисидаги кели-шув»ни имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 15 фоизи-дан кам бўлмаган миқдордаги за-калат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖнинг ҳисобрақа-мига (банк: «Ипак йўли» АИТБ Тошкент шаҳар Миробод фили-али, х/р: 20208000804876496001, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808) тўлашлари лозим.

Харидор (аукцион ғолиби) 10 кун муддат ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини им-золаши лозим. Савдони ташкил-лаштириш учун комиссия йўғими савдо ғолиби томонидан сотилиш баҳосининг 0,5 фоиз миқдориди, шунингдек, Реэлторлик хизматла-рининг миллий стандарти (2-сон РХМС)га асосан талабгорлар то-монидан 1000000 сўм кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хиз-мати кўрсатиш тўғрисида шартно-мага асосан тўланади.

Аукцион савдосида қатна-шиш учун талабгорлар қуйи-даги ҳужжатларни топшириши керак:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нус-хаси, ишончли вакил иштирок этга-нида қонун ҳужжатларида белги-ланган тартибда расмийлаштирил-ган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

– жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, ишончли ва-кил иштирок этганида қонун ҳуж-жатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

Талабгорлардан буюртманомал-лар эълон чиққан кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача Тошкент шаҳри, Яккаса-рой тумани, Ш.Руставели кўчаси, 68-А уй манзилида қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин тўхта-тилади.

Аукцион савдосида ишти-рок этиш учун талабгорлар realtorservice@mail.ru. электрон почта ёки (78) 147-40-00, (90) 805-14-47, (99) 629-79-30 телефонлари орқали мурожаат қилишлари мум-кин.

Лицензия RR – №0008.

Эълонлар

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ
ҚУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР
ОЛИЙ МАКТАБИ СУДЬЯЛИК
ЛАВОЗИМЛАРИГА
НОМЗОДЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ
КУРСИГА 2022/2023 ЎҚУВ
ЙИЛИ УЧУН (ФУҚАРОЛИК
ИШЛАРИ, ЖИНОЯТ ИШЛАРИ,
ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪМУРИЙ
ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА)
ТАЛАБГОРЛАР ҚАБУЛ
ҚИЛИНАДИ.

Тайёрлаш курсига ўттиз тўрт ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослик бўйича камида етти йиллик иш стажига эга бўлган Ўз-бекистон Республикаси фуқаро-лари қабул қилинади.

Тайёрлаш курси бир йил-лик ўқув дастури бўйича давлат грантлари асосида амалга оши-рилади.

Талабгорлар Олий мактабга бевосита ёки электрон шакл-да (www.sudyalaroliymaktabi.uz; www.sudyu.uz) қуйидаги ҳужжат-ларни тақдим этишлари лозим:

– тайёрлаш курси ихтисос-лиги номини кўрсатган ҳолда Олий мактаб директори номига ариза;

– талабгор томонидан шахсан тўлдирилган сўровнома ва тар-жимай ҳол;

– Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томо-нидан белгиланган намунадаги шахсий варақа (объективка) ва яқин қариндошлари (талабгор ва унинг турмуш ўртоғининг ота-онаси, ака-ука ва опа-син-гиллари, шунингдек талабгор-нинг фарзандлари) тўғрисидаги маълумотнома, шу жумладан электрон шаклда;

– олий юридик маълумот тўғрисидаги диплом (таъ-лим йўналиши: юриспруденция; таълим шифри: 5240100 (ёки 5380100) ва унинг иловаси нус-халари;

– талабгорнинг паспорт ёки ID картаси нусхаси;

– меҳнат дафтарчаси нусхаси;

– 3.5 х 4.5 ҳажмдаги 6 дона рангли фотосурат;

– Ўзбекистон Республикаси Солиқни сақлаш вазирлиги то-монидан тасдиқланган шаклдаги одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касаллик-лар ва жисмоний нуқсонлар йўқ-лиги ҳақидаги тиббий маълумот-нома (086/1 шакл);

– психиатрия ва наркология муассасаларида ҳисобда турмас-лиги тўғрисида маълумотнома;

– хорижий давлат фуқароли-гини олмаганлиги ёки хорижий давлат ҳудудида доимий яшаш ҳуқуқини тасдиқловчи яшаш гу-воҳномасига ёхуд бошқа ҳуж-жатга эга эмаслиги тўғрисидаги тилхат;

– охириги уч йил давомида ба-жарган ишлари тўғрисида иш жойидан маълумот-тавсифнома;

– иш жойидан тавсиянома;

– ўзи ва яқин қариндошлари-нинг судланганлик ҳолати бўйича маълумотнома.

Талабгорлардан ҳужжатлар 2022 йилнинг 15 апрелдан 15 майга қадар қабул қилинади.

Талабгорлар томонидан тақ-дим этиладиган тегишли ҳуж-жатлар намуналари www.sudyalaroliymaktabi.uz сайтига жойлаштирилган.

Маълумот учун тел: (998) 555-010-199.

Манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй.

Қабул комиссияси

МУАССИС:



«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир хайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидилла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари).

Меҳридин ШУКУРОВ
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, тақлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон
Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоний вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-93) 573-77-14
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаси назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
З. Рихсиев

Мусаҳҳиҳ:
Д. Худойберганова

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 21:10
Топширилди – 21:30

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма V- 5115 34351 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси нелишилган нарҳда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сенбанда, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Алишер Навоий кўчаси 30-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшновод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130

1-Тошкент педагогика коллежи томонидан 2008 йилда Мухамади-ева Махсуда Шакировна номига берилган К № 1072369-рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолгани сабабли бекор қилинади. ***

Ҳамза номли Тошкент давлат му-сиқа билим юрти томонидан 1987 йил Бабаев Махмитаи Кучкар-баевич номига берилган КТ № 851315 рақамли дипломнинг ило-васи йўқолгани сабабли бекор қи-линади.

Халқ таълими вазирлиги тасарру-фидаги филология мактаби томони-дан 2013 йилда Ҳўжаева Ойдинахон Ғанижон қизи номига берилган U № 6271508-рақамли шаҳодатнома йўқол-гани сабабли бекор қилинади. ***

Янгийўл шаҳар Ер тузиш ва кўч-мас мулк кадастри томонидан Янгийўл шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 3-уй, 13-хонадан учун Улмасов Исраил Исмаилович (марҳум) номига берил-ган уйнинг барча кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.